



Ислом Нури

Бисмиллахи Рохмани Рохим

Барча Оламлар Роббиси бўлган Аллох таолога хамду санолар, пайгамбаримиз, Унинг оиласи ва барча сахобаларига салавоту саломлар бўлсин.

Мухтарам ва азиз диндошлар, куни кеча рамазон киришини завк билан кутиб олгандик. Мана бугун эса унинг кўпи кетиб ози қолибди. Хаш-паш дегунча рамазон тугаб хайит ҳам келиб қолади. Хаммангизга маълум рамазон ойи ойларининг энг улуги бўлганидек, бу ойлари ҳам кеча ва кундузларининг фазилатли ва улуглари бор. Улар рамазоннинг охириги ўн кунлиги. Уларнинг фазилати шу кечаларда яширинган «Лайлатул кадр-Кадр кечаси» сабаблидир. Кадр кечасининг кадрили куйида зикр қилинадиган оят ва хадисларни тааммул қилган киши англаб етади. Аллох таоло Куръон Каримда деди: **«Албатта Биз у (Куръон)ни Кадр кечасида нозил қилдик.** (Эй Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам), **Кадр кечаси нима эканлигини Сиз қаердан ҳам билар эдингиз?! Кадр кечаси минг ойдан яхшироқдир. У (кеча) да фаришталар ва Рух (яъни, Жаброил алайхиссалом) Парвардигорларининг изни-ихтиёрийла (йил давомида қилинадиган) барча ишлар билан тушурлар. У (кеча) то тонг отгунча тинчлик-омонликдир.»** (Кадр сураси)

Духон сурасида эса шундай дейди: **«Очик-равшан Китоб-Куръонга касамки, албатта Биз уни бир муборак кечада нозил қилдик. Дархақиқат, Биз (инсу-жинларни ушбу Куръон билан охира азобидан) огохлантирувчи бўлдик»** (Духон: 2,3).

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилади, расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Кимки Кадр кечасида иймон билан ва



Ислом Нури

савоб умидида бедор бўлса, унинг аввалда қилган гунохлари кечирилади» (Муттафакун алайхи).

Пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламнинг одатлари доимо фазилатли ишларга шошиш ва Умматини унга тарғиб қилишдир. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам бир ишга тарғиб қилсалар, ўзлари бу ишда ўрناق бўлардилар. Оиша розияллоху анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам охириги ўн кунликда бошқасида мисли қўрилмаган даражада ибодатларга тиришар эдилар» (Имом Муслим ривояти).

Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам бу кечаларнинг ҳаммасида намоз, Куръон тиловати, Оллохнинг зикри ва эътикоф каби турли хил ибодатлар билан бедор бўлардилар. Ўзларигина бедор бўлмасдан қўл остидагиларини ҳам бунга буюрар эдилар. Оиша розияллоху анҳо ривоят қиладилар: «Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам охириги ўн кунлик кирса, изорларини махкамлардилар (яъни, аёлларидан узлат қилардилар) кечасини бедор ўткизардилар ва ахли-оиласини (ибодат учун) уйготар эдилар» (Муттафакун алайхи).

Ул зот ахли-оиласини ибодат, Аллохнинг зикри учун уйготардилар. Чунки, бу кечалар тезда тугаб қоладиган жуда ҳам оздир, уни ганимат билиб, ибодатлар қилиб қолишга лойиқдир. Бугунги кунда одамлар Кадр кечасини ўткизиш учун уйларда жамланадилар, анвои таомлар тайёрлаб, дастурхон устида туни билан гурунглаб чиқадилар. Сахар бўлгач ўзларича биз лайлатул кадрда ухламадик, бизнинг гунохлар ҳам кечирилди деб, уй-уйларига тарқаладилар. Уларнинг Кадр кечаси билан пайгамбар саллаллоху алайхи ва салламнинг Кадр кечаси ўртасида осмон билан ерча фарқ бор.



Ислом Нури

Оиша онамиз розияллоху анхо расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдан сўрадилар: «Эй расулуллох, агар мен Кадр кечасига мувофик келиб колсам нима деб дуо килай? Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Аллохумма иннака афуввун тухиббул афва фаъфу анний» «Парвардигоро, Сен афв этувчисан, афвни яхши кўрасан, мени афв эт» денг, дедилар.

Бу улуг кечаларни ганимат билиб, унда мазкур дуони такрор-такрор килмогимиз даркор. Киши вақтидан унумли фойдаланмоги лозим, нафс малолланувчидир, шунинг учун киши кечани малолланмасдан ўткизиши учун турли ибодатлар билан машгул бўлиши керак. Масалан: аввал намоз ўқисин, намоздан чарчаса, ўтириб куръон тиловат килсин, маълум вақт куръон ўқигач, дуога кўл очиб, парвардигорга ёлборсин. Ёлбориш юкорида зикри ўтгани каби дуоларни кайта-кайта килишдир. Ва хоказо шу тартибни кайтадан такрорласа ҳам бўлади. Мухими вақтини беҳуда ўтқизмасин.

Кадр кечаси ойнаинг муайян бир кунда деб биров жазм кила олмайди. Чунки, одамлар кўпроқ ибодатда бўлишлари ва унга мувофик келишга тиришишлари учун Аллох субханаху ва таоло уни охириги ўн кунликда яшириб кўйди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Кадр кечасини охириги ўн куннинг ток кечаларидан изланглар» (Имом Бухорий ривояти).

Ибн Таймийя роҳимахуллох дедилар: «Ток ўтган кунлар эътибори билан бўлиши мумкин. У холда кадр кечаси 21-кеча, 23- кеча, 25-кеча, 27- кеча ва 29- кечалардан изланади. Ток колган кунлар эътибори билан бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳақда расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам шундай дедилар: «Уни колган тўққизинчи кечадан, колган еттинчи кечадан, колган бешинчи кечадан изланглар» (Имом



Ислом Нури

Бухорий ривояти). Бунга кўра агар ой ўттиз кун бўлса, мазкур кечалар жуфт сонли кечаларда бўлади. Яъни, 22- колган тўккизинчи, 24- колган еттинчи ва хоказо. Абу Саъид ал-Худрий буни саҳих хадисда шундай изоҳлаганлар. Агар ой 29 кун бўлса, юкорида айтганимиздек бўлади. Яъни ўтган кунлар эътибори билан ҳам, колган кунлар эътибори билан ҳам ток кечалар айна кечага тўгри келади.

Демак, муъмин киши Кадр кечасини охирги ўн кунликнинг хаммасида излаши керак бўлади. Бунга расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам куйидаги хадисда ишора килганлар: «Уни охирги ўн кундан изланглар» (Имом Бухорий ривояти).

Кадр кечаси охирги етти кечада бўлиши кўпрок, бунга Абдуллох ибн Умар розияллоху анхумонинг хадиси далолат килади: «Пайгамбар саллаллоху алайхи ва салламнинг асхобларидан бир нечталари тушларида Кадр кечасини охирги етти кечадалигини кўрдилар. Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам: «Мен сизларнинг тушларингиз охирги етти кечага мувофик келганини кўрмокдаман. Кимки Кадр кечасини изламокчи бўлса, охириги етти кечада изласин» — дедилар. Имом Муслим килган ривоятда: «Уни охирги ўн кунликдан изланглар, агар сизлардан бирингиз заифлик килса ёки ожиз бўлса, колган етти кечада (уйкуга) мағлуб бўлмасин».

Охирги етти кечанинг тоқларининг эҳтимолга якинроги 27- кечадир. Бунга Убай ибн Каъбнинг хадиси далолат килади: «Аллохга касам ичиб айтаманки, мен расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам бизни туришга буюрган кеча кайси кечалигини биламан. У 27- кечадир» (Имом Муслим ривояти). Ундан сиз буни кандай билдингиз деб сўрадилар? У: расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам хабар берган белги билан, деди. «Кадр кечасининг тонгида куёш чикканида унинг



Ислом Нури

нури бўлмайди то кўтарилгунча худди тогорадек бўлиб тураверади» деганлар. Бу хабар саҳих бўлсада, киши ялковлик килмасдан Кадр кечасини топиш учун каттик тиришиши лозим. Юкорида зикр килганимиздек пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам охирги ўн кунликда ўзлари бедор бўлар ва ахли аёлларини ҳам уйготар эдилар. Алий ва Фотима розияллоху анхумоларнинг эшикларини кокиб, «Туриб намоз ўкимайсизларми!» дердилар. Кейин Уммахотул муъминийларнинг хужраларига юзланиб: «Хужра сохибаларини уйготинглар, бу дунёда канча-канча кийимлилар бор, Киёмат кунида ялангочдир» дердилар. (Имом Бухорий ривояти).

Аллох субханаху ва таолодан барчаларимизни Кадр кечасига муваффақ килиши, тутган рўзаларимизни ва таровех намозларимизни кабул килишини сўраймиз.